

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Изҳор

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Ўқитувчи... Биринчи устозим...

Бу сўзни тилга олар эканми беихтиёр ҳаяжондан кўзларига ёш қалқиди. Илк бора жажжи болакай мактаб остонасига қадам қўяр экан, меҳрибон ва жонқуяр, ширинсўз, жажжигина қўлчаларидан ушлаб синфхонага етаклаган устозга дуч келади. Уйинқароқ болаликдан бирдан бошқа оламга дуч келган фарзандимиз мана шу олижаноб, сабр-тоқатли, юрак қўриқ кўз нуруни ёш авлодга бахшида этак-ётган азиз устозлар туфайли катта ҳаётга йўл оладилар.

Ўзининг ақл-заковатини, билим ва маҳоратини, меҳр-муҳаббатини, мазмунига тўла ҳаётини ёш авлод камолоти баҳшида этиб келадиган азиз инсонлардан бири шахримиздаги 169-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига 32 йилдан бери таълим бериб келадиган ўқитувчи Муҳаббат Файзиёвадир.

Муҳаббат опа болалик чоғларида ноқ муаллимлик касбига, эртағимиз давомчилари бўлиш болажонларга меҳр қўйганлардан. У аввал Педагогика билим юртини, сўнг Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтини 1975 йилда тамомлади. Мана 32 йилдирки 169-ўрта мактабда ўз касбини ардоқлаб, болаларга сабоқ бериб келмоқда. Мактабда ҳамкасблари орасида муносиб обрў-эътиборга эга. Ўқувчилари ҳам уни ширинсўзлиги, камтарлиги, самимийлиги, айни вақтда талабчанлиги учун ҳам севадилар. Шунча йиллар давомида ўз билимини, бутун қалб қўриқни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, шу билан бирга ота-онани эъзозлаш, муомала мадания-

ти, қийиниш, сўзлашиш одоби ҳақида мазмуни сўхбатлар олиб борди. Билмига чанқок, зехинли ўқувчилар устозларининг ҳар бир ўғитини, бераётган таълим-тарбиясини тўғри аниқлаб, устозлари меҳнатини оқлаб юртимизга, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етмоқдалар.

Ўқитувчи — юртим фарзанди ақли, миллий гурули, саводли бўлсин, давлатимиз тузини оқлаб, жамиятимизга фойдали инсон бўлиб етишсин, деб ният қилади. Юртбошимизнинг ҳар йили 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийларнинг касб байрами сифатида нишонлаш ҳақидаги 1997 йилги Фармони юртимиз зиёлиларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлиб қолди. Айни кунларда ўзининг табаррук 50 ёшини нишонлаган Халқ таълими фидоисини, меҳрибон устоз Муҳаббат Файзиёва ҳам ёшларни билим чўққиларига етаклаб, уларнинг юксак доволарини забт этишларида қанот эканликларини таъкидлаган ҳолда бу йўлда асло толмасликларини тилаб қоламиз. **Шоира МУХАМЕДОВА.**



Шахримиздаги мактабларда кўргазмалар дарслар ўтказишга ҳам муҳим аҳамият бериляпти. Бинобарин бундай дарслар ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштириб олишида жуда кўл келади.

ЭЗГУ НИЯТ

Ўз кунини бир амаллаб ўтказиб юрган камбағал бир ўтинчи саҳрода саксовул кесиб юрганда улкан бир кўм барханага дуч келибди. Шунда ўтинчи кўкка қўл чўзиб Яратганга илтижо қилибди: «Е, парвардигор шу бархан миқдорига гуруч бўлганида мискин, етим-есир ва камбағалларга улашган бўлар эдим». Аллоҳ унинг эзгу ниятини инобатга олиб номаи аъмолига шунча миқдордаги гуруч улашганлик учун бериладиган савоб ёзиб қўйишни фаришталарга буорган экан.

Ҳадиси шарифда ёзилишича ҳар кимнинг ниятидаги бўлғайдир. Имом Бухорий айтди: «Бу сўзга иймон ҳам, таҳорат ҳам, намоз ҳам, закот ҳам, ҳаж ҳам, рўза ҳам, муомалами, никоҳим, умуман барча ҳукмлар кирур. Аллоҳ таоло оят қаримасида: «Ҳар бир киши ниятига ва ўзига яраша амал қилғайди, дегил» — деган.

Кексаларимизнинг ёшларга қарата «Яхши ниятинг, йўлдошинг бўлсин» деган тилаклари бежиз айтилмаган экан.

ҚАРЗИНИ УЗИШ ВА ҚАРЗ БЕРИШ

Эгамберди исми йигит таниш нововидан ҳар кун еттига нон олур экан. Новвой бир кун ундан сўради:

— Эгамберди ака, ҳар кун олтига ёки саккизга эмас, еттига нон олмасиз, бунинг сабаби нимада?

— Олган нонларимнинг иккитасини қарзимга бераман, биттасини ўзим истеъмол қиламан, учтасини қарзга бераман ва биттасини худо йўлига оқизиб юбораман.

— Кимдан қарзингиз бор, ким-

ларга қарз берасиз ва битта нонни нима сабабдан сувга оқизиб юборасиз?

— Мени дунёга келишимга сабабчи бўлган ва гўдақлигимда ширин уйқусидан ранжимай воз кечиб менга қўқрак сути берган, мени тинчимни кўзлаб мурғак тананга қон каби сингадиган мунгли алла айтган онамдан, мени едириб, ичириб, кийдириб тарбия қилган отамдан бир умрлик қарздорман. Иккита нонни шу қарзларим авазига уларга бераман. Қарганимда белимга қувват, билагимга куч, қўзимга нур ва қалбимга сурур булармикин деб тарбиялаб ўстираётган учта фарзандим бор. Учта нонни уларга қарзга бераман. Фарзандларим туфайлигина бирга яшагача мажбур бўлганим, уруш-жанжални пулга сотиб оладиган, мени ҳар кун эгловламаса кўнгли ўрнига тушмайдиган, мен йўғимда турли гаплар билан ота-онамининг дилини орғитиб ранжитадиган, вақти келса бир пиёла чай ва бир бурда нонни улардан дариг тутадиган хотиним бор. Битта нонни у истеъмол қилади, бу мен учун нонни сувга оқизиб юборгандек гап.

Шундай аёлларни эътиборга олиб ёзилган шоирнинг рубоийси бор:

*Яхши хотин вафоли дўст,
юзи оловга ўхшар,
Эмондан ўзинг сақла, тил
эвога ўхшар,
Бир касадан овқат ичиб,
Бир ёсимқча бош қўйса,
Қалби қалбга қўшилмайди,
худди бировага ўхшар.*

Ҳадиси шарифда ҳам эрини сенсирарган, иззат-ҳурмат қилмаган, дилини орғитган, ҳуда-беҳуда гаплар билан ранжитган хотин оғир гуноҳкор бўлиши ҳақида айтиб ўтилган.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

◆ 25 сентябрь — душанба (Ойнинг 26/27 кунин). Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги таъсири гоят табиат билан ҳамроҳанг. У туйғулар билан боғлиқ бўлиб, сирли оламга оид нодир билимлар олишингиз мумкин. Шу кун энг мураккаб ва сизни узок вақтдан бери қийнаб келадиган муаммоингиз ечимини кутмаганда топиб оласиз. Шоша-шошарлик қилиб ёки майда-чуйдаларга ўралашиб қолмай, яхшиси — энг муҳим нарсага ҳақида ўйланг, қалбингизнинг тубига назар ташланг. Диққатни бир нуктага жамлаб, шу ҳақда ўйлаш муваффақиятли бўлади.

Ошқозон-ичак йўлларини даволаш, кучли таъсир этувчи дориларни қабул қилиш, гийҳлар билан даволаниш самарали бўлади. Бир кунга парҳези «унутиб», кўнглингиз туссаган овқатни тановул қилишингиз

хар ташқарисига саёхатлар, айниқса, гулхан ёнида диққатни жамлаб, мушоҳада юришти самарали бўлади...
Хафақон хасталиги, юрак-қон томир касаллиқлари хуруж қилиши мумкин. Жароҳлик операциялари, айниқса, қорин бўшлиғидаги операцияларни кечиктириб турган маъқул. Асаблари қаттиқ толиққан кишилар ўзларига эътиборли бўлишлари керак. Хаддан ташқари толиқшгани ва танангизнинг совиб кетишидан ўзингизни асранг.

Тўшларингиз тунд ва ҳаловатсиз бўлиши мумкин. Лекин улар пуч бўлади — шунинг учун улар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаң.

◆ 28 сентябрь — пайшанба (Ойнинг 1/2 кунин). Мазкур кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири одамларда очқўзликни кўзгайди. Имкон қадар кўпроқ одамларга

Муваффақият тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

мумкин. Косметик муолажалар, тери хасталиқларини даволаш тавсия этилади. Тишларини даволаш ва сунъийларини қўйдириш тавсия этилади. Қорин бўшлиғидаги жароҳлик операцияларини ҳам кечиктириб турганингиз маъқул.

Тўшларингиз қанчалик ёрқин ва ҳақиқатга яқин тусламасин, уларга ишонманг.

◆ 26 сентябрь — сешанба (Ойнинг 27/28 кунин). Ой сайёрасининг Ерга таъсири бир текис бўлади. Турли хил нодир билимларни эгаллашга муваффақ бўлишингиз мумкин. Шоша-шошарликка йўл қўйманг ва майда-чуйдаларга ўралашиб қолманг. Қандайдир янгиликларини билиб олишга, ўзингиз учун ёқимли бўлган кишилар билан мулоқотда бўлинг. Диққатни бир жойга жамлаб, мушоҳада юришти фойдали бўлади.

Жароҳлик операциялари, айниқса, томоқ ва қалқонсимон без операциялари тавсия этилмайди. Тананинг ортиқча совиб кетиши, ортиқча зўриқиларга йўл қўйманг. Ошқозон-ичак йўллари даволаш, кучли таъсир этувчи дориларни истеъмол қилиш, гийҳлар яхши самара беради. Бир кунга парҳези «унутиб», кўнглингиз туссаган нарсани тановул қилишингиз мумкин.

Тўшларингизга, айниқса, сизнинг ишқий саргузаштларингизга тааллуқли тушларга ишонваринг.

◆ 27 сентябрь — чоршанба (Ойнинг 28/29 кунин). Шу кеча-кундузда Ойнинг таъсири одамлар учун ноқулай келади. Янги ишларни бошламай, қилинган ишларга яқин ясаб, ўтмишда нималар тўғри қилингану, нималарда хатога йўл қўйганингиз устидан ўйлаб кўринг. Атрофдагилар билан мулоқотни имкон қадар қамайтиринг. Ша-

яхшилик қилинг. Бу сизга ортиқча билан қайтади. Мабодо, шу бугун сизни бирон киши ҳафа қилиб қўйса, индамай қулиб қўя қолинг — салбий эхтиросларингизга эрк беринг, унга нисбатан олижаноблик қилиб, кечиримли бўлинг. Айнан шу киши кейинчалик сизга дўст бўлиб, қийин дамларингизда ёрдам қўлини чўзиши мумкин.

Бугунги кунни эхтиёркорлик билан, саломатлигингизга эътибор бериб ўтказинг. Сурўнкали юқумли хасталиқларнинг хуруж қилиши хавфи бор. Қўриқ аъзолари ва асаб тизимингизга айниқса эҳтиёт бўлинг. Электр магнети таъсирида қўлланиладиган муолажалар тавсия этилмайди. Турли хил сув билан боғлиқ муолажалар, сауна тавсия этилади.

Тўшларингиз, айниқса, шахсий ҳаётингизга оид қўрган тушларингиз башоратли бўлади ва тез орада, ўнгидан келиши мумкин.

◆ 29 сентябрь — жума (Ойнинг 2/3 кунин). Шу кеча-кундузда инсоннинг руҳий қувватига нисбатан жисмоний қудрати устунроқ бўлади. Туйғуларингизга оғоҳлик билан қўлоқ тутиң. Сизни хавф-хатар ва ноҳушлиқлардан оғоҳлантирувчи тақдир аломатларига беъэтибор бўлманг.

Бўғинлардаги орғилар зўрайиши эҳтимоли бор. Танангизнинг ортиқча совиб кетишига йўл қўйманг, бу сизни анча уринтириб қўйиши мумкин. Бўғинлар, қўриқ аъзолари, асаб тизими хасталиқларини даволаш тавсия этилади. Жағ-юз ва пластик операциялар рухсат этилади.

Тўшларингизнинг ўнгидан келиши эҳтимоли тахминан 50 фоизга тенг. Афсуски, турли хил ноҳушлиқлардан хабар бериучи тушларингиз кўпроқ имкон беради.

Бугунги кунда пойтахтимизда Қутқарув хизмати фаолият кўрсатаётгани барчага аён. Маълумки, мазкур хизмат бундан бир ярим йил аввал Тошкент шаҳар ҳокими-нинг қарорига асосан шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қошида ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари эса барча хавф-хатарлар туғдирувчи, жумладан табиий, техноген ва экологик тусдаги вазиятларнинг олдини олиш, улардан аҳолини халос этиш ҳамда умумий хавфсизлиги таъминлашга қаратилган.

Ушбу хизмат ташкил қилинган биринчи кундан оқзулусиз кун тун ҳаракат қилишчи штаби ҳам фаолият кўрсата бошлади ва ҳозирги кунда унинг махсус «05» рақамли телефони орқали юзлаб турли хил хабарлар олинади. Бу кўнгироқлар қутқарув хизмати-нинг ахборот-ташхис бўлимида рўйхатга олинчи, барчаси бўйича тегишли амалий чора-тадбирлар кўрилади.

Жумладан олинган хабарларнинг айримлари қутқарув хизматининг мажбуриятлари доирасидан ташқари бўлган тақдирда ҳам уларни ечишга қаратилган.

— Биз ўз фаолиятимизда бурч ва вазифаларимизга асосланиб, ўз номимизга содиқ ва яраша бўлишимиз кераклигини тушуңган ҳолда иш юритамиз, шунинг учун ҳам барча хавф туғдирувчи воқеаларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, турли вазиятда ёрдам беришга алоқадор хабарлар бўйича амалий ҳаракатлар қиламиз, — дея ўз сўзини бошлади Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Эргаш Икромов. — Аммо бу хизматга тушаётган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам асосли, тўғри деб бўлмайди. Айниқса у ёки бу манзил бўйича «портлашчи молдамалар», ҳаттоки «бомба ҳам ўрнатиб қўйилган» каби нотўғри, очигини айтганда, сохта кўнгироқлар охири пайтада учраб турибди. Шунга қарамайдан, ҳаттоки бундай хабарлар асоссиз эканлигига бир мунча далиллар бўлиб, гарчи улар номаълум шахслардан бўлса ҳам, барибир ҳисобга олинади ва хавфининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилади. Чунки унутмаслигимиз керак: бундай номаълум кўнгироқлар орқали «портлаши мумкин бўлган» бино ва иншоотлар орасида асосан халқ таълими муассасалари, кўп қаватли уйлар, бозорлар, маъмурий бинолар, яъни одам сони кўп бўлган жойларнинг номи аталади ва...

— ... ва албатта ушбу жойларда қутқарув хизмати томонидан тўлиқ хавфсизлик қафолати таъминланиши керак. Шу туфайли ушбу, юмшоқ қилиб айтганда, ноҳуш хабарлар олингандан сўнг қутқарув хизматининг биринчи қалдаги ҳаракатлари нимадан иборатлигини айтиб ўтсангиз.

— Аввало шу ўринда бир нарсани эътиборга олиш керак. Сохта хабарлар нафақат бизнинг

хизматимизга, балки шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг «02» телефони орқали ҳам тушади. Бу дегани қутқарув хизмати ИИББси ҳамда бошқа тегишли тез ёрдам хизматлари билан бирга доимий, узлуқсиз алоқада бўлади. Ўтказиладиган тадбирларимизда ҳам бизнинг ҳаракатларимиз ҳар доим биргаликда ва узлуқсиз бўлади.

Агар қутқарув ёки ички ишлар хизмати «портлаш юз бериши мумкин» дейилган сохта хабар тушса, бу ҳақда биринчи навбатда шаҳар раҳбариятига ахборот берилиб, келишидан ҳолда барча эътибор аввало одамларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳамда айтиб ўтилган иншоотдаги «хавф» уйғувчи ҳалокатнинг олдини олишга қаратилди. Барча махсус хиз-

маглар билан бирга «ҳодиса» юз бергани жойга шу ердан тўман ҳокими шартли равишда келиши лозим бўлади.

— Сиз узлуқсиз ҳаракатлар тўғрисида айтиб ўтдингиз. Тезкор тадбирлар ўтказишда махсус хизматларнинг бирлашиш ҳаракатлари қандай ташкиллаштирилади?

— Барча хавф-хатарнинг олдини олишга, керакли ёрдам беришга йўналтирилган операциялар вақтида ва муваффақиятли ўтказилиши учун тегишли махсус хизматларнинг куч ва ҳаракатларини бирлаштириш, яъни мувофиқлаштириш Фавқулодда вазиятлар бўйича шаҳар бошқармаси томонидан ташкиллаштирилади. Санокли дақиқалар ичида, «хавф» тўғрисида хабар олинган заҳотидан оқиб айтиб ўтилган манзил бўйича милиция, ёнгидан сақлаш, қутқарув, миллий хавфсизлик хизматлари, прокуратура ходимлари чиқарилади. Улар билан биргаликда шартли равишда у жойга «Тошгаз», «Сувсоз», «Иссиқлик қуввати», телефон, тез ёрдам хизматларининг мутахассислари келиб, «хавфли» иншоотда вазият кучайишининг олдини олиш учун барча коммуникация воситаларини вақтинча ўчириш бўйича амалий чоралар кўрилади.

— Ушбу мураккаб жараён — бўлиши мумкинлиги аниқланмаган портлашчи молдамаларни қидириш ишлари охири хайрли бўлиб албатта тугалланади. Лекин унинг ўтказилиши оқибатларисиз бўлсада, аммо ҳеч қандай зарар қўрилмади деб бўлмайди, чунки унга қанча куч ва вақтдан ташқари, маблаг ҳам сарфланади...

— Ҳа, сохта кўнгироқлар оқибатида бир эмас, бир неча юз минг сўмлик сарф-харажатлар бўлади, ваҳоланки бу маблагларни бошқа муҳимроқ, фойдалироқ ишларга йўналтириш мумкин бўларди, лекин... Айтиб ўтиш жоизки, «халокат юз бериши мумкин» деган хабар олингандан сўнг, тегишли манзил томон ўрта ҳисбада махсус хизматларнинг 300 дан ортиқ мутахассислари жалб этилади,

50 га яқин махсус автоулов воситаларининг кўчлари ҳаракатга келтирилади. Бундан ташқари, бу шариотларда ҳеч нарсасиз воқиф бўлмаган кишилар, шу жумладан болалар ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради. Уларни вақтинча бўлсада текшириш тамом бўлгунча қадар мажбурий тарзда хавфсиз жойга қўчиришимиз шарт. Бундай вазиятда шартли равишда иш-тироқ этаётган барча хизматлар каби фуқаролар ҳам асосий ишларидан, ўқишларидан қоладиладар. Шу ерда ўринлими ёки ўринсизми, лекин бир нарсани айтиб ўтишни хоиз деб билардим. Амалиётда шу нарса маълум бўлмоқдаки, халокатнинг олдини олиш бўйича тадбирлар давомиди бизнинг фуқаролар — ҳам ёшлар, ҳам катталар ваҳи-

— «Телефон бузғунчи»си билан боғлиқ бироқ бир ҳодиса ҳақида айтиб беролмайсизми?

— Яқинда Юнусобод туман суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддасига иншон, 3-қисми, «а», «г» бандларига асосан жиноят содир этганлиги тўғрисида айбланган фуқаро Алишер Нишонбоевнинг жиноят ишлари кўриб чиқди. А. Нишонбоевнинг жиноий қилмиши суд томонидан безорилик деб тан олинди. Унинг жазоланишига эса ёлгон, сохта хабар бергани сабаб бўлди.

Гап шундаки, А. Нишонбоев «02» телефони билан боғланиб, шаҳардаги бир маъмурий бинога «портловчи модда ўрна-тилган ва у ҳар бир дақиқадки ҳаракатга келтирилиши мумкин» деган маълумот берган. Ички ишлар вазирилиги, Миллий хавфсизлик хизмати-нинг тезкор ходимларидан бу галдаги сохта сигнал эканлигига кўп асослари бўлса ҳам, хавфнинг олдини олиш учун вақтида айтиб ўтилган манзил бўйича

тектиришлар ва чора-тадбирлар кўриди. Натижада тезкор ходимларнинг асослари тўғри бўлиб чиқди — ҳақиқатан ҳам хабар «ёлгон» эди. Ўз ўрнида қисқа вақт давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисида қаршили махсус гуруҳ кучи билан кўнгироқ қилган номаълум шахс ва унинг турар жойи аниқланди. У Алишер Нишонбоев эди. Тергов пайтида маълум бўлдики, А. Нишонбоев аввал ҳам безориликка айбланиб судланган, аммо афсуски, бундан ўзига тўғри хулоса чиқармасдан, тақдирини ана бир бор «сим ортида» синаб кўрмоқчи бўлиб, ушбу жиноятни қасдан содир қилган. Тергов ҳамда суд жараёнида у ўз қилмишига икор бўлди, лекин унинг жинояти кескинлашган эди: Нишонбоев кўлга олиш пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳодимига қаршилиқ кўрсатиб, унга тан жароҳати етказди. Натижада суд содир этилган жиноятчи ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, 34 ёшли А. Нишонбоевнинг етти йил озодликдан маҳрум этишга, жазони умумий тартибдаги колонияда ўташ ҳамда давлатга етказган 159586 сўмлик зарарни ўндириб олишга ҳукм эди.

Кўриб турибсизки, Нишонбоев ва у қабилир гараз ниятда «бузғунчиликка» қўл уриб, тинч-осойишта ҳаётга хавф туғдир-иришга ҳаракат қиладилар, ўз қилмишларини эса «шўнчалик халил ўйин» деб оқлашга уриндилар. Лекин безориларнинг бу қалтис ўйинлари уларнинг онгини, қалбини шўнчалик зулматга қўлга, занжирбанд қилиб қўйганки, «шўхликлар» оқибатида ўз тақдирлари ўйинчиларига айланиб қолганликларини ҳам сезмайдилар. Натижада ўзганинг эмас, балки ўзларининг эркинликларига қасд қилдилар. Жиноят эса эртанги кечми — жазо топиши муқаррар.

Сўхбатни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридagi Матбуот хизмати ходими Илмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

Пойтахтимиздаги 22-мактабда ҳуқуқий маззуларда ҳам қизиқарли сўхбатлар олиб борилади. СУРАТДА: милиция подполковниги Равшан Алиев юқори синф ўқувчилари билан мулоқот пайтида. Равиль Альбеков олган суратлар.

